

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ  
DSc 20/30.12.2019. S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**ҒАФҒОРОВА МАВЛЮДА ҚУРБОНБОЕВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ СОЦИОМАДАНИЙ  
ҚИЁФАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИ ТЕНДЕНЦИЯСИ**

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Социология фанлари доктори (DSc)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора (DSc) по социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the  
Doctor (DSc) on sociological Sciences**

**Гаффарова Мавлюда Курбонбоевна**

Ўзбекистон хотин-қизларининг социомаданий қиёфасидаги  
ўзгаришлари тенденцияси ..... 3

**Гаффарова Мавлюда Курбанбаевна**

Тенденция изменений в социокультурном образе женщины  
Узбекистана ..... 29

**Gaffarova Mavlyuda Kurbanbaeva**

Trend of changing the socio-cultural image of women in Uzbekistan ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 61

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ  
DSc 20/30.12.2019. S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**ҒАФҒОРОВА МАВЛЮДА ҚУРБОНБОЕВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ СОЦИОМАДАНИЙ  
ҚИЁФАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИ ТЕНДЕНЦИЯСИ**

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Социология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/S16 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa@nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Содиқова Шохида Марҳабоевна**  
социология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қаҳҳаров Абдулахат Ганиевич**  
социология фанлари доктори, профессор

**Хусейнова Абера Амоновна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Абдуазимов Оқилжон Уткурович**  
социология фанлари доктори

**Етақчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация 2021 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ да Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги Илмий кенгашнинг DSc 29.12.2018.S.23.02 йиғилишида ҳимоя қилинади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел: 0 (371) 232-60-47; факс 0 (371) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_ рўйхатга олинган) (манзили: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел: 0 (371) 232-60-47; факс 0 (371) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ юборилди.  
(«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ йил 2021 йил № \_\_\_\_\_ тарқатиш баённомаси реестри).

**М.Б.Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, социология фанлари доктори, профессор

**Ш.М.Содиқова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, социология фанлари доктори, профессор

**Ф.Я.Парманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий Семинар раиси, социология фанлари доктори

## КИРИШ (докторлик (DcS) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё аҳолиси таркибида хотин-қизлар улушининг ўсиб бориши, жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, уларнинг ижтимоий нуфузини янада юксалтиришга бўлган эҳтиёж янги вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Маълумотларга кўра, «...дунё аҳолисининг 51 %ини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг фақат 5%и давлат ва жамият бошқаруви лавозимларида фаолият юритмоқда»<sup>1</sup>. Бу хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлар динамикасини таҳлил қилиш давр талабига айланди.

Жаҳонда хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришларни ўрганиш борасида олиб борилган тадқиқотларда, жумладан, гендер мансублик (идентиклик) ривожланишининг социомаданий контексти, фарзанд дунёга келтирадиган (сунъий) усуллардан воз кечишга хисса қўшадиган социомаданий омиллар, гендер тенглик, аёллардаги ўзгарувчан роллар, ўзини ўзи англаш ва социомаданий омиллар, ижтимоий фаоллиги, социал мобиллиги, дунёқарашидаги ўзгаришлар, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, аёллар бандлигини таъминлаш, сиёсий етакчилик, билим олиш, аёллар миграцияси йўналишларини тизимли таҳлил қилиш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг турмуш тарзи, фаоллиги, бандлиги, ижтимоий ҳимояси, уларни қўллаб-қувватлаш масалаларига эътибор қаратилмоқда. «Мамлакатимизда истиқомат қилаётган 17 миллиондан зиёд опа-сингилларимиз, қизларимиз, онахон ва момоларимизга муносиб шароит яратиб бериш учун барча имкониятларни ишга солишимиз лозим»<sup>2</sup>. Шу боисдан ҳам хотин-қизларнинг гендер тенглиги, социал мобиллиги, маънавий ва маданий соҳасида ҳамда дунёқарашидаги ўзгаришларнинг социодинамик кўрсаткичлари, уларнинг фаолияти, ҳаётий эҳтиёжлари, манфаатлари, қарашлари, мақсадлари, қадриятлари, шунингдек, хулқ-атвор билан боғлиқ ўзгаришларни социологик таҳлил қилиш ва хотин-қизлар социомаданий қиёфасидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, бу борада зарур имкониятларни яратишга қўмаклашадиган комплекс ижтимоий-социологик тизимни янада такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-562-сон «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида», 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-561-сон «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон «Хотин-

<sup>1</sup> «Женщины в бизнесе и управлении» доклад Международной организации труда. 2015. <http://www.mk.ru/social/2015/01/13/doklad-mezhhdunarodnoy-organizacii-truda-dolya-zhenshinrukovoditeley-v-mire-vsego-5.html>

<sup>2</sup> Президент Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 30 декабрь, №276 (7778). <https://lex.uz/ru/>

қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**

Хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлар трансформациясига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетлари, жумладан, University of San Francisco (АҚШ), Hamburg University in Germany (Германия), Guangxi Zhuang Autonomous region Women's cadre school (Хитой), The International Science, Technology and Innovation Centre (Malaysia), University of Sorbonne (Франция), University of Granada (Испания), Integrations-och jämställhetsdepartementet (Швеция), Москва гуманитар илмий-тадқиқот институти (Россия)да олиб борилмоқда.

Хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлари тенденциялари бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: лидер хотин-қизлардан бошқарувда раҳбар кадрлар тайёрлаш (Guangxi Zhuang Autonomous region); хотин-қизлар тадбиркорликнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатишини такомиллаштириш усуллари ишлаб чиқилган (Malaysia, Kuala Lumpur); гендер роллар ва немис аёллар тарихининг ижтимоий жиҳатлари аниқланган (Германия); хотин-қизларнинг жамиятда ижтимоийлашувининг механизмлари ишлаб чиқилган (Seoul of National University, Жанубий Корея); демократия, гендер тенглик, инсон ҳуқуқлари, интеграция, нодавлат ташкилотлар ва ёшлар сиёсати масалалари билан шуғулланади (Ministry of integration and gender equality of Sweden, Швеция); хотин-қизларнинг ўз оилалари, жамоалари ва жамиятдаги ролларини қайта кўриб чиқиб, уларнинг имкониятларини кенгайтириш имкониятлари (Women,s Learning Partnership for Rights, Development and Peace (WLP-Аёллар ҳамкорлиги), қарор қабул қилишнинг барча босқичларида аёллар иштирокини кенгайтириш усуллари (Association Democratique des Femmes du Maroc), аёллар ҳуқуқларини ижтимоий ва ҳукумат сиёсатига таъсири нуқтаи назаридан тушунишни

кенгайтиришга қаратилган масалалар (BAOBAB for Women's Human Rights, Nigeria), ёш аёлларда етакчилик кўникмаларини ривожлантириш, сиёсий иштирокини кенгайтириш, мавжуд ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ташкилотларини кучайтириш ва қўллаб-қувватлаш масалаларини ўз ичига олади (Women's Affairs Technical Committee, Palestine).

Дунёда хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлари бўйича қатор, жумладан, устувор йўналишлар асосида тадқиқотлар олиб борилмоқда: аёлларнинг жамиятдаги социомаданий мослашуви; аёллар ҳуқуқларини ижтимоий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш; аёллар миграцияси, гендер тенглик, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги, аёллар жиноятчилиги, оила ва жамиятда хотин-қизларнинг ўрнини мустаҳкамлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Буюк аждодларимиз Абу Наср Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат асарларида хотин-қизларнинг мавқеи масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Алишер Навоийнинг хотин-қизларни улуғлашга, уларнинг қиёфасидаги маънавий ўзгаришларни мустаҳкамлашга бағишланган асарларида: «Ер юзида ўзининг ақл-заковати, мард ва донолиги, гўзал хусни, андиша ва сабр-тоқати, меҳр ва садоқати билан дунёга донг таратган хотин-қизлар жуда кўплиги»<sup>3</sup> алоҳида таъкидланади.

Хорижий олимлар томонидан хотин-қизлар социал қиёфасидаги ўзгаришлар мавзусида Кристина Пизанская, Франсуа Мари Аруэ Вольтер, Дени Дидро, Шарль Фурье, Анри Сен-Симон, Г.Силластен, Э.Хит, Т.Липсет, Н. Николенко, К.Амундсен, П.Ж.Бьюкенен, Х.Гилман, Г.Осадчая, С.Коротковаларнинг илмий тадқиқотларида хотин-қизлар фаоллигининг айрим жиҳатлари, ижтимоий мобиллиги, бошқарув тизимида хотин-қизларнинг ўрни, хотин-қизлар ва эркаклар касбий жамоалари ўзига хослигининг солиштирма таҳлили, хотин-қизлар бандлигида иқтисодий омилларнинг роли, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг гендер масалалари йўналишидаги тадқиқотлар таҳлил қилиниб, тадқиқот давомида улардан фойдаланилди<sup>4</sup>. МДХ мамлакатлари олимлари О.Воронина, С.Айвазова, В.Ушакова, Е.Здравомыслова, А.Темкина, Е.Кочкина, Л.Попкова, О.Овчарова, Н.Степанова, И.Юкиналарнинг илмий тадқиқотларида хотин-қизларнинг социал қиёфасидаги ўзгаришлар жамият ижтимоий ҳаётига таъсири, социал ўзгарувчанлик тадқиқотларида кузатилади.

Мамлакатимиз олимлари М.Бекмурадов<sup>5</sup>, М.Ганиева, А.Каххаров,

<sup>3</sup>Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 152 б.

<sup>4</sup>Амундсен К. Женщины и американская демократия: большинство, которое заставляет молчать. – М.: Прогресс, 1996; Бьюкенен П.Дж. Смерть Запада. –М.: АСТ, 2007; Осадчая Г.И. Политическое поведение женщин. Исследование, М.: Прогресс, 1991; Короткова С.А. Движение женщин в США за право на образование и профессиональную деятельность во второй половине XIX вв., М.: 1998.

<sup>5</sup> Бекмурадов М. Ижтимоий-маданий фаолият тарихи, назарияси ва услубияти. – Тошкент: «Маънавият», 2016.– Б.59.; Каххаров А. Новый Узбекистан-новый имидж власти: глазами социолога (аналитические рассуждения). – Тошкент: 2021. С.21-22.; Умаров А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Дисс...соц.фан.д-ри; Холбеков А. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг социологик таълимоти. – Тошкент: «Университет». 1996.; Матибаев Т. Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш

А.Холбеков, А.Умаров, Т.Матибоев, Ш.Содиқова, О.Абдуазимов, Т.Нарбаева, А.Сеитов, Н.Латипова, Б.Фарфиев, Ф.Парманов, Л.Саидова, Д.Алимова, Н.Жўраев, Қ.Абдурасулова, Ф.Мухитдинова, М.Тўхтажўжаева, О.Мусурмонова, М.Нурматова, О.Нишонова, В.Алимасов, С.Ахророва, С.Сафаева, Э.Султонова, И.Саифназаров, А.Хусейнова, В.Алимасов, Ф.Саифназароваларнинг илмий асарларида хотин-қизлар масаласига ҳар томонлама илмий ёндашиш зарурлигини асослаб берилган. Жумладан, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий қиёфасидаги ўзгаришларни юксалтиришнинг ҳуқуқий жиҳатларини ўрганган бўлса, бошқалар, асосан, уларни ижтимоий ҳимоя этишда қонунчиликнинг ролини таҳлил этишган, шунингдек, хотин-қизлар фаолиятининг ижтимоий-фалсафий, педагогик-психологик жиҳатлари, раҳбар аёлнинг ижтимоий қиёфасини яратиш масалаларини таҳлил этишган.

Мамлакатимизда олиб борган тадқиқотларда хотин-қизлар учун шароитлар яратиш бўйича қилинаётган ишлар, уларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор масаласи социологик жиҳатдан таҳлил этилган бўлсада, бироқ хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлари тенденцияси йўналишида тадқиқотларни амалга ошириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

---

омиллари. Дисс... автореферати.– Тошкент: 2017.; Содиқова Ш. Бошқарув социологияси. Дарслик. Akademiya. – Тошкент: 2020.-Б.206.; Абдуазимов О. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни. (Ўзбекистон оммавий ахборот воситасининг 2001–2016 йй материаллари мисолида): Монография. – Тошкент: Фан ва технология, 2016. 352б.; Нарбаева Т. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг инновацион модели социодискурсив таҳлил. - Монография. – Тошкент: Тасвир, 2020.-240 б.; Сеитов А. Социологическое видение восточной цивилизации: генезис и дальнейшие перспективы. Монография. – Ташкент: Издательство Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2019. – С.183; Латипова Н.М. Ўзбекистонда оила ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш д-ри.дисс.автореф. – Тошкент: -2020.Б.37; Фарфиев Б. Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида ислом рационализи омили. Дисс.автореф.–Т: 2020.; Парманов Ф. «Миграция, интеграция, трансформация» – Тошкент: А.Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти. 2020. -Б.130; Саидова Л. Международная практика достижения гендерного равенства и национальная политика Узбекистана в ее обеспечении. Вестник юриста. №3. 2021. С.88; Алимова.Д. Женский вопрос в Средней Азии. – Тошкент: Фан, 1991.; Жўраева Н. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни. Тарих фан. Д-ри...дисс.автореф. –Тошкент: 2004.; Абдурасулова Қ. Аёллар жиноятчилигининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. Юрид. фан. докт. ... дис. автореферати. – Ташкент, 2006. 42 б; Мухиддинова Ф. Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари (Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Синонинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари асосида). Диссертация. 2010; Тўхтажўжаева. М. Утомленные прошлым. Реисламизация общества и положение женщин в Узбекистане. – Тошкент: 2005. Мусурманова О. «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» ни шакллантириш.Услубий қўлланма. Yoshlar nashriyoti uyi, 2020.; Султанова Э. Хотин-қизлар давлат бошқарувида. Ўқув қўлланма. ЖИДУ, 2019.; Саифназаров И. Устоз отангдек улуг, ёхуд ўқитувчи обрўси-таълим тарбия сифати гарови. «Ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштиришнинг геронтопедагогик асослари» - Ташкент: 2020. Б.100.; Хусейнова А.А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. Монография. - Бухоро.2009 й. Б.127; Алимасов В. Гендер фалсафаси. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008.; Саифназарова Ф. Ёшлар ва оила таянчи. – Тошкент: «Ta'lim nashriyoti», 2018.; Нурматова М. Духовные и нравственные ценности во взглядах и деятельности джадидов. Журнал "ИНТЕЛПРОС – Интеллектуальная Россия" Международный теоретический журнал . №3 (107) 2021; Нишонова О. Ўзбек аёллари этномаданияти: генезиси, хусусиятлари, муаммолари: Фалсафа фан, номзоди. ...дисс.автореферат. – Тошкент: 2005; ; Сафаева С. Аёллар масаласи: Умумижтимоий ва миллий жиҳатлар. -Тошкент: Ўзбекистон, 2003.; Ахророва С.А. Ўзбекистонда аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари: Фалсафа фан. номз...дисс. автореф.-Тошкент, 2005.

**Диссертация мавзусининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ–20170929253 «Давлат бошқаруви соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва давлат хизматчилари малакасини ошириш бўйича махсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш» (2018-2020 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** янгиланаётган Ўзбекистонда хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлар тенденцияларини социологик жиҳатдан тизимли тадқиқ этиш орқали ушбу йўналишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон хотин-қизларининг социомаданий ҳаётидаги ўзгаришларининг ҳудудий хусусиятларини очиб бериш;

хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлар трансформациясини миқдорий ва сифатий тадқиқот методлари асосида тизимли ўрганиш;

мигрант аёлларнинг социал мобиллиги, ижтимоий фаоллиги, миграция муҳити, уларнинг трансформацияси жараёнини ўрганиш асосида миграцион харитани ишлаб чиқиш;

хотин-қизлар социал қиёфасидаги ўзгаришлар трансформацияси тенденцияларида маънавий бегоналашув омилларини аниқлаш;

аёлнинг социал қиёфаси классификацияси, гендер тенглик муносабатларини такомиллаштиришнинг ижтимоий омилларини таҳлил қилиш;

хотин-қизлар социал қиёфасидаги ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлаш ҳамда социал фаоллигини давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ равишда ривожлантириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш;

хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлашни такомиллаштиришда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклик самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хотин-қизларнинг давлат ва маҳаллий бошқарув органларидаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича механизмлар ишлаб чиқиш;

хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги миллий ўзликни англаш хусусиятини ҳамда тарихий меросимизни жамият маънавий ҳаётидаги ўрнини юксалтириш йўналишларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** жамият ҳаётининг ривожланиш босқичларида хотин-қизлар социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ муносабатлар мажмуи ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда миқдорий тадқиқотлар анкета усулида, сифатий тадқиқотлар фокус гуруҳи (эксперт сўрови), тизимлилик, қиёсий таҳлил, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, интервью каби тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ижтимоий-сиёсий ҳаётда назарий, амалий ва методологик аҳамиятга эга бўлган аёллар ижтимоий-маданий қиёфасини аниқловчи социомаданий фаолият назарияси социологик таснифланган;

хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасида миллий ўзликни англаш, тарихий меросимизни жамият ҳаётида маънавий юксалтириш орқали замонавий миллий хусусиятлар (миллийликка асосланган кийиниш маданияти, соғлом турмуш тарзига асосланган маънавий-маърифий ишлар, мослашувчанликка асосланган ресоциализация жараёнлари) социологик асосланган;

хотин-қизларнинг турмуш тарзидаги ўзгаришлар трансформацияси тенденцияларида ижтимоий-маънавий бегоналашув омиллари (маргиналлик, ворисийлик, муносабатларга кириша олмаслик, миллий кадриятлардан узоқлашган, миллий санъат ва адабиётларни ёқтирмайдиган, ўз миллий тилини билмайдиган) аниқланган;

миграцион харитани ишлаб чиқиш орқали аёлларнинг миграция жараёнидаги иштироки, социал мобиллиги, ижтимоий фаоллиги, миграция муҳити, ҳудудий хусусиятлари, турмуш тарзидаги стереотиплар, социал муносабатлар, кадриятлар трансформацияси очиб берилган;

хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлар трансформациясининг социал индикаторлари (ҳуқуқий саводхонлик, кадриятларга мослашиш, аёл ресурси, вақт кадрияти, ўзгаришларга мослашиш, маиший хизмат, ҳудудий-ментал хусусиятлар, миграция, мобиллик, маънавий бегоналашув) ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлаш, раҳбарлик ва тадбиркорлик фаолиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти қурилишида хотин-қизларнинг роли, ўрни ва ижтимоий фаоллигини оширишда жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича социологик тадқиқот дастури тақлиф этилди;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ўзаро ҳамкорлик асосида давлат бошқарувида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси ва Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ва тамойилларига таянган ҳолда меморандум тузилиб, тегишли тавсиялар берилди;

жамиятнинг институционал тузилмаси (давлат бошқарув тизимлари)да

хотин-қизларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, уларни қўллаб-қувватлаш асосида хотин-қизларнинг жамиятдаги мақолини ошириш ва сиёсий жараёнларда гендер тенглиги таъминланиши асосланди;

Ўзбек хотин-қизларининг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлар трансформациясини миллий-ментал ҳудудий хусусиятлари, ворисийликни таъминлашда идентификация қилишни ўзига хос социомаданий қиёфаси очиб берилди;

фаол хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасида сиёсий етакчилик имижини шакллантиришда объектив ва субъектив (давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш) омилларни турмуш тарзидаги сиёсий фаолияти орқали тавсифлашнинг ўзига хос ментал хусусиятлари асосланди;

мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга ва хотин-қизларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этиш доирасида мамлакатда фаолият олиб бораётган ҳар бир ташкилотда бошқарувчининг битта ўринбосари хотин-қизлардан бўлишлигини белгилаб қўйиш тавсия этилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатида қайд этилган маҳаллий журналлар ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, тадқиқотларда қатнашган респондентларнинг репрезентативлиги, аниқлиги, олинган эмпирик миқдорларнинг ишончли усулларда таҳлил қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, тадқиқот натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация ишининг илмий хулоса ва амалий тавсияларидан хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлари тенденциялари, уларни ижтимоий ҳимоялашнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жиҳатларини чуқур тадқиқ этиш ва ижтимоий фаоллигини оширишга бағишланган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда социология фанлари бўйича ўтказиладиган илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган ёндашувлар Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, олий ўқув юртларининг бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раҳбарлари, «Маҳалла ва оила» илмий тадқиқот институтида, «Олима» хотин-қизлар уюшмаси, сиёсий партияларнинг «Аёллар қаноти», «Тадбиркор аёл» ишбилармон хотин-қизлар ассоциацияси раҳбарлари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар билан ишлаш бўйича маслаҳатчилар, Маънавият ва маърифат марказлари, маданий-маърифий муассасалар ходимлари ҳамда фаолларининг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон хотин-

қизларининг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлар тенденциясидаги ўзгаришларни тадқиқ этиш борасида олинган илмий натижалар қуйидаги фаолиятларга татбиқ қилинган:

ижтимоий-сиёсий ҳаётда назарий, амалий ва методологик аҳамиятга эга бўлган аёллар ижтимоий-маданий қиёфасини аниқловчи социомаданий фаолият назарияси социологик таснифланишига оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сон фармонининг 3 ва 4 бандларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 3 сентябрдаги №02-02/1054-сонли далолатномаси). Бу ҳудудлардаги маҳалла фуқаролар йиғини кесимида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги социомаданий қиёфасидаги ўзгариш тенденцияларини баҳолаш ҳамда уларнинг жамият ҳаётига интеграциялашувининг устувор йўналишларини белгилаш аниқлиги ортган;

хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасида миллий ўзликни англаш, тарихий меросимизни жамият ҳаётида маънавий юксалтириш орқали замонавий миллий хусусиятлар (миллийликка асосланган кийиниш маданияти, соғлом турмуш тарзига асосланган маънавий-маърифий ишлар, мослашувчанликка асосланган ресоциализация жараёнлари) социологик асосланганлигига оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон фармонининг 2-илоvasи билан тасдиқланган «Маҳалла кадриятлар маскани» ҳафталигини ташкил этиш Концепциясининг 3-бандини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 3 сентябрдаги №02-02/1054-сонли далолатномаси). Бу хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, сиёсий етакчи аёл имижини шакллантириш, хотин-қизларнинг диний ва дунёвий дунёқарашини юксалтиришга хизмат қилган;

хотин-қизларнинг турмуш тарзидаги ўзгаришлар трансформацияси тенденцияларида ижтимоий-маънавий бегоналашув омиллари (маргиналлик, ворисийлик, муносабатларга кириша олмаслик, миллий кадриятлардан узоқлашган, миллий санъат ва адабиётларни ёқтирмайдиган, ўз миллий тилини билмайдиган) аниқланганлигига оид хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги 402-сон қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома» бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 3-боби («Тавсиянома бериш тартиби») мезонларини ишлаб чиқишда фойдаланилган

(Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 13 ноябрдаги №02-02/2672-сонли маълумотномаси). Ушбу мезонлардан фойдаланиш натижасида социал муносабатларда маргиналлик хусусияти устун бўлган хотин-қизларни жамият ҳаётига интеграциялашувини аффелятив ёндашув асосида таъминлаш ҳамда уларнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги фаоллигини ошириш имкони ортган;

миграцион харитани ишлаб чиқиш орқали аёлларнинг миграция жараёнидаги иштироки, социал мобиллиги, ижтимоий фаоллиги, миграция муҳити, ҳудудий хусусиятлари, турмуш тарзидаги стереотиплар, социал муносабатлар, кадриятлар трансформацияси очиб берилганлигига оид хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтида «Мигрант аёлларнинг намунавий миграцион социал мобиллик харитаси»ни ишлаб чиқиш жараёнида ҳамда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги «Мадад» чет эл фуқароларини ҳуқуқий қўллаб қувватлаш Маркази ННТнинг «ноқонуний миграцияни профилактика қилиш» йўналишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг 2020 йил 18 декабрдаги №01/1-01-15/2-320-сонли, «Мадад» чет эл фуқароларини ҳуқуқий қўллаб қувватлаш Маркази ННТнинг 2020 йил 23 июндаги А130-сонли маълумотномалари). Ишлаб чиқилган «миграцион социал мобиллик харитаси» ҳамда хотин-қизлар социомаданий қиёфасидаги ўзгаришларни монографик, анкета ва танланма кузатиш усуллари орқали ўрганиш натижасида миграцион жараёнларни тўлақонли статистик баҳолаш имконини берган;

хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлар трансформациясининг социал индикаторлари (ҳуқуқий саводхонлик, кадриятларга мослашиш, аёл ресурси, вақт кадрияти, ўзгаришларга мослашиш, маиший хизмат, ҳудудий-ментал хусусиятлар, миграция, мобиллик, маънавий бегоналашув) ишлаб чиқилганлигига оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 486-сон «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманларда хотин-қизлар жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг 18-банди «Жамоатчилик кенгашлари асосий вазифалари» мезонларининг 1-боб, 3-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 13 ноябрдаги №02-02/2672-сон маълумотномаси). Бу ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик тамойилларини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, «Юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда хотин-қизларнинг роли» (Жиззах, 2018), «Хотин-қизларнинг фан, таълим, маданият ва инновацион технологияларни ривожлантириш

соҳаларидаги ютуқлари» (Жиззах, 2019), «Женщины на государственной службе» (Санкт-Петербург, 2019), Женский форум: Китай-Центральная Азия (Хитой, 2019), Проблемы формирования институциональных моделей управления территориальными в условиях модернизации экономики (Сырдарья, Гулистан, 2019), Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши 16 кун (Тошкент, 2019), Миграциянинг салбий оқибатларидан оила ва болаларни асраш (Сурхондарё, 2020), Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш (Жиззах, 2020), Социологияни ўқитиш ва социал тадқиқотларни ташкил этишнинг долзарб масалалари (Тошкент, 2020), Миллий ва маънавий қадриятларни юксалишида аёлларнинг ўрни (Тошкент, 2020), Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ёш хотин-қизларнинг инновацион ғоя ва ташаббуслари (Тошкент, 2020), «Sociocultural image of women in Uzbekistan» ( Англия, 2020) мавзуларидаги республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш, жумладан, ОАК рўйхатидаги журналларда 14 та, нуфузли хорижий журналларда 4 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 18 та маъруза ва тезислар, 1 та монография нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 232 бетни ташкил этди. Ишда 193 та манба ва адабиётлардан фойдаланилган.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Хотин-қизлар социомаданий қиёфасини шакллантирувчи омилларнинг илмий ўрганилиши»** деб номланган биринчи бобида хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасини тадқиқ этишнинг назарий методологик асосларини ўрганиш билан бирга Шарқ халқлари хотин-қизлари социомаданий қиёфасини шакллантирувчи омилларнинг ретроспектив таҳлили, Ғарб давлатларида хотин-қизлар кундалик ҳаёти ва ижтимоий фаоллигининг этногенезиси ҳамда замонавий тараққиёт шароитида хотин-қизлар тенглиги ижтимоий асосларининг социологик масалаларига бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган ҳамда илмий жиҳатдан ўрганилган.

Тадқиқотнинг назарий-методологик ёндашувларида хотин-қизлар

масаласини социомаданий ҳодиса ва социал жараён сифатида ёритган классик олимлар асарларида кузатиш мумкин. Жумладан, О.Конт, Г.Спенсер, З.Фрейд, М.Вебер, Э.Дюркгейм, Т.Парсонс, П.Сорокин, Ж.Боден, Д.Вико, В.Дильтей ва бошқалар асарларида жамиятда хотин-қизларнинг нафақат тутган ўрни, балки маданият ва цивилизацияларга таъсир қилган социомаданий таъсири тўғрисида батафсил маълумот берилган. Муаммони ёритишда оила-никоҳ муносабатларининг социомаданий кўрсаткич сифатида илгари сурилиши, мумтоз социологиянинг асосий масалаларидан бири бўлган.

Маълумки, ҳар қандай замонавийлик анъанавийлик билан ҳамоҳангликда социомаданий ҳодисаларни ташкил этиб келган. Хусусан, муайян этно-маданий ва диний тоифаларга мансуб ижтимоий табақалар айнан социомаданий мансублик негизида анъанавий жамоа сифатида умумий турмуш тарзини юзага келтирганлар<sup>6</sup>. Жамиятда вужудга келаётган кескин рақобатнинг мавжудлиги хотин-қизлар ижтимоий қиёфасига ҳам таъсир қилаётганини тезда илғаш мумкин. Кўп тиллилик, компьютер саводхонлиги, ижтимоий тармоқлар ичида «яшаш» аёл ижтимоий портретини ўзгача шаклга келтирди. Бу, ўз навбатида, ўзгарувчан жамиятнинг хотин-қизлар руҳияти, кайфияти ва характериға ўтказган таъсирини миллий социология фанида ҳам ўзгача усулларда тадқиқ этиш лозимлигини илгари суради.

Муаллиф томонидан назарий тадқиқотлар асосида аёллар ижтимоий-маданий қиёфасини аниқловчи социомаданий фаолият назариясининг таркиби ва ижтимоий воқеликни ўзига хос ифода этиши қуйидагича илмий таснифланди:

умумсоциологик методология даражасида англаш, яъни аёллар ижтимоий-маданий фаолиятини илмий объективлик, тарихийлик, ишончлилик ва бошқа тамойиллар ҳамда ижтимоий фактлар ва объектив реалликнинг социологик талқин этилиши;

ижтимоий-маданий воқеликнинг интегратив даражасида хотин-қизларни ривожлантирувчи жараён сифатида англаниши;

ижтимоий-маданий фаолиятни гендер тенгликни таъминлаш зарурияти нуқтаи назаридан назарий таҳлил қилиниши;

ижтимоий-маданий фаолиятни халқ миллий ўзлигини англаш, хусусан, аёллар ўзини-ўзи этно-маданий намоён этиш имкониятининг дискурс таҳлил қилиниши;

хотин-қизлар социомаданий қиёфаси яхлитлигини асраш ва такомиллаштириш учун унга кўрсатилувчи позитив ҳамда негатив омиллар таъсирини бартараф этилиши.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аёллар эмансипацияси нисбатан янги ижтимоий ҳодиса бўлиб, уни аксарият вазиятларда феминизм билан бир хил маънода қўллаш кузатилади. Феминизм – аёлларнинг ижтимоий ҳаракати бўлса, хотин-қизлар эмансипацияси – аёлларнинг оилавий, меҳнат ва ижтимоий ҳаётда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эришиш учун кураш жараёни. Бу борада ўз тадқиқотларини олиб борган Э.Эриксон инсоннинг саккиз

<sup>6</sup> Бекмуратов М. Замонавий бошқарув социологияси. Монография. – Т: Yoshlar nashriyot uyi. – 2020.436 б

босқичли ҳаётгий циклини ишлаб чиқар экан, унингча, бешинчи (ёшлик) ва олтинчи (етуклик) босқичида инсон касб танлаш, мос иш қидириш, умр йўлдошини танлаш, оила қуриш, фарзандларни дунёга келтириб, вояга етказиш билан шуғулланади. Бу даврда эркаклар оилавий ҳаёти касбий фаолиятига тўсиқ бўлмасдан давом этса, аёлларда аксинча, «оила ёки иш» танлови, «қўш масъулият» муаммолари кўндаланг туриб қолади. Натижада, замонавий жамиятларда аёллар эмансипацияси барча ижтимоий ҳодисалар қатори ўзининг ижобий ва салбий хусусиятларига эга. Аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлар ўрнатилишига эришиши, албатта, ушбу жараённинг энг катта ютуғи бўлди.

Жамиятни модернизациялаш шароитида эркак ва аёллар ўртасидаги касбий-профессинал ва оилавий-никоҳ муносабатларидаги тенглик ғояларини зўр бериб тарғиб қилинсада, расмий маълумотларга кўра, кўп жабҳаларда гендер тафовут ҳамон сақланмоқда. Биргина бўш вақт тақсимотига кўра, аёл уй ишларига 33,6 фоиз, эркаклар 11,3 фоиз вақт сарфлайди. Аёллар суткада уй ишига 3 соат, эркаклар эса 0,65 соат вақт сарфлайдилар<sup>7</sup>. Бундан ташқари, аёл ҳам 8 соатли ишдан сўнг, оилада эркак каби ҳордиқ чиқариш, маданий дам олиш орзуси билан яшайди. Шунингдек, Бутунжаҳон иқтисодий форуми экспертлари томонидан тайёрланган «Gender gap index (GGI)» ҳисоботида ёзилишича, эркаклар ва аёллар маошидаги фарқни тенглаштириш учун 118 йил керак бўлар экан. Чунки, ишловчи аёлларнинг дунё миқёсида ўртача маоши 11 минг долларга тенг бўлган бир пайтда, эркакларники эса 21 минг доллардан ошмоқда. Сўнгги ўн йилда ушбу фарқ 3 фоизга қисқарган, холос. Меҳнат бозорида сезиларли ўзгаришлар юз бермади. 1995-2015 йилларда ишга жойлашиш бобида гендер фарқ атиги 0,6%га камайди<sup>8</sup>.

Фикримизча, янгиланаётган жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни ва роли ошиб бормоқда. Аёллар салоҳиятини социология, тарих, иқтисод, сиёсат, педагогика, ижтимоий иш, ҳуқуқ каби ижтимоий фанлар доирасида илмий ўрганишга талаб ошиб бормоқда. Шундай бўлса-да, аёллар ўз индивидуал салоҳиятларидан келиб чиқиб, касбий пиллапоялардан кўтарилиши, нуфузли мақомга эгаллик қилиш, бунда кенг жамоатчиликнинг холис эътирофига сазовор бўлишларида ҳамон турғун стереотиплар ва эркаклар андроцентризмга дуч келмоқдалар. Шу нуқтаи назардан, илмий тадқиқот ишлари олиб бориш аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий мавқеи янада юксалишига тўсиқ бўлаётган муаммолар амалий ечимини топишда долзарб аҳамият касб этади.

Диссертациянинг «**Янги Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий қиёфасидаги социал ўзгарувчанлик**» деб номланган иккинчи бобида жамият ҳаётида хотин-қизлар социомаданий қиёфасидаги умумий ва

<sup>7</sup> Шайхова Х.А. Аёл мавқеи ва унинг муҳим муаммолари. // Хотин-қизлар камситилишига қарши курашнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-психологик муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2008. // Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 14-бет.

<sup>8</sup> Раҳматов Л. Соғлом она ва бола: халқаро амалиёт. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016. – 57 б.

парадигмали ўзгаришлар, замонавий хотин-қизлар сиёсий етакчилик имижини шакллантиришнинг усул ва воситаларига эътибор қаратилган.

Маънавий ҳаётнинг сифат кўрсаткичлари янги социомаданий характерларни яратиш, янги давр кишиси нуқтаи назари бўйича ижтимоий рухий ҳолатини ўзгартирди. Маданият – асрлар давомида йиғилган донишмандлик ҳазинаси. Ундаги инқирозий ҳолатларни бартараф этиш, янги давр кишиси нуқтаи назари бўйича, уни яратиш ва янгилаш жараёни. Аммо, Хейзинга<sup>9</sup> фикрича, бу интилишнинг ўзи кам: аввало, рухни янгилаш зарур<sup>10</sup>. Социумда инсон<sup>11</sup> бир пайтнинг ўзида ўзини бир неча социомаданий бирлик ва гуруҳлар билан идентификациялаши мумкин. Социомаданий идентификациянинг индивидуал жиҳатлари озми-кўпми чегараланган тизимга эга бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари иерархик тартибга солинганлиги билан ҳам изоҳланади. Жамиятни модернизация қилишда социомаданий идентификация<sup>12</sup>, одатда, нафақат аёл маънавиятини, балки авлодларни ҳам социал муҳитга ижтимоийлашуви билан боғлиқ социомаданий номинацияларни ўзида ифода этади. Бу жараёнда идентификациянинг ижтимоий структурадаги ўрни социомаданий контекстнинг ўзгариши таъсирида ҳар бир даврнинг бошқарув тузилмавий ўзгаришлари янгича муносабатлар ёки авлодлараро идентификацияни трансформация қилади.

Социомаданий қиёфа – маълум бир ижтимоий маданий муҳит, турмуш тарзида кечадиган стереотиплар, социал муносабатлари ривожланиб борадиган муайян шахснинг миллий-ментал мазмун феноменига эга бўлган қадриятлар трансформациясини ифода этади. Худди инсон танасини унинг руҳидан ажратиб бўлмагани сингари, жамиятнинг моддий ва маънавий жиҳатларини ҳам бир-биридан ажратиш ва уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш мантиққа зид.

Ўзбек аёлининг маънавий қиёфасида унинг кийиниш маданияти ҳал қилувчи ўрин тутаяди. Чунки дунёнинг ўзга халқлари учун кийиниш шунчаки ташқи кўринишни зийнатлаш воситаси бўлса, ўзбек аёли учун кийим ахлоқий қиёфани кўрсатиш йўсини, ички оламни намоён этиш омилidir. Шунинг учун ҳам азал-азалдан ўзбек аёллари пардали кийинишга, вужуднинг диққат тортадиган ўринларини кўздан пана қилишга эътибор беришган.

2019 йил февраль-март ойларида мамлакатимиз худудларида хотин-қизларнинг кийиниш маданиятидаги ўзгаришларни ўрганиш мақсадида социологик тадқиқот ўтказилди. Мазкур сўровларда жами 1450 нафар респондент иштирок этди, шундан яроқли деб топилган 1389 та анкетадан қайта ишлаш мақсадида фойдаланилди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги социомаданий қиёфасидаги ўзгаришларни социологик ёндашувларга асосланган тадқиқотлар натижалари

<sup>9</sup> Аверинцев С.С. Культурология Йохана Хейзинги // Вопр. философии, 1969.- №3.С.174.( Averintsev S.S. Cultural Studies of Johan Hazingi.// Vopr. Philosophy, 1969.- №3.С.174)


<sup>10</sup> Хейзинга Й. Человек играющий. – М.: Наука, 1992,- С. 416.

<sup>11</sup> Аверинцев С.С. Культурология Йохана Хейзинги //Вопр. философии, 1969. – №3.С.174.( Averintsev S.S. Cultural Studies of Johan Hazingi.// Vopr. Philosophy, 1969. - №3. – С.174).

<sup>12</sup> Маданият социологияси (олий ўқув юртлари талабалари учун услубий қўлланма) – Тошкент.: 2017. –Б.22

таҳлилида аниқроқ кўришимиз мумкин. Мавжуд қадриятларимизни келажак авлодга етказиб беришда, энг аввало, қайси жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлиги бўйича респондентларнинг 28% қадриятларни замонга мослаштириш орқали деб жавоб қайтаришган, 33% респондент мавжуд қадриятларни замонга мослаштириш, жаҳоннинг илғор телеканаллари билан ҳамкорликда ҳужжатли фильмлар яратиш ва намоишини ташкиллаштириш керак деб, 22%, 18% респондент бу жиҳат муҳим эмас, деб жавоб қайтаришган.

Тадқиқот натижалари мамлакатимиз фуқароларининг ўз диний эҳтиёжларини қондирган ҳолда, анъана ва удумларга эркин амал қилиш имконига эга эканлигини кўрсатмоқда. Фуқароларнинг фикрича, ҳозирги вақтда жамиятда содир бўлаётган социо-динамик ўзгаришлар ахборот оқимининг ҳажми ва аҳамияти кескин ортиб бораётгани дунёнинг муайян маданий кўринишини шакллантириш ҳамда инсонлар, айниқса, хотин-қизлар орасида анъанавий қадрият ва меъёрларнинг интеграциялашувига олиб келмоқда. Бу борада ўтказилган тадқиқотларимиз натижалари таҳлилига кўра, респондентларнинг 46% миллий қадриятларга бўлган ҳурмат улар учун энг муҳим эканлигини қайд этишган бўлишса, 40% ота-онага бўлган ҳурмат муҳим, деган жавоб вариантини танлашган (1-расм).



**1-расм. Миллий қадриятлар турларига ҳурматнинг аҳамияти бўйича ўтказилган сўровнома натижалари (респондентлар томонидан икки ва ундан ортиқ жавоб варианты танланган)<sup>13</sup>**

Шунингдек, 35% респондент хотин-қизларга бўлган ҳурмат билан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтишган. Мана шу жиҳатлари этномаданий, миллий-ментал хусусиятларимизни янада мустаҳкамлаш, айниқса, хотин-қизлар масаласи қанчалик муҳим эканлигини англашимиз лозим.

Бу борада тадқиқ этилаётган мавзунинг давоми сифатида аёлларнинг, асосан, қандай ишлар билан шуғулланиши ҳақидаги саволга берилган жавоблар натижаси таҳлил қилинди (2-расм).

«Маҳаллангиздаги аёллар, асосан, қандай ишлар билан шуғулланишади?», деган саволга респондентларнинг 58,5 %и «Оилада фарзанд тарбияси билан», 17,7 %и «Давлат иши билан», 12,6 %и «Шахсий бизнес билан», 5,1 %и «Ёлланма ишчилик билан» шуғулланиши маълум бўлди. Мазкур ҳолатни ўрганиш жараёнида айтиш жоизки, ҳозирда фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратар эканмиз, оилада фарзанд тарбиясини

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан социологик сўровнома натижалари асосида ишлаб чиқилган.

мустаҳкамлаш, соғлом муҳитни таъминлаш, болаларга керакли билимлар бериш, оилага ижтимоий-интеллектуал ҳамкорликни кучайтириш, она зиммасига тушадиган маънавий юкни бирга кўтариш зарур.



**2-расм. Аёлларнинг асосий фаолият турини аниқлаш бўйича ўтказилган сўровнома натижалари<sup>14</sup>**

Бугунги кунда қизларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. «Қизларни турмушга беришда қайси жиҳатларга эътибор берган маъқул?», саволига респондентларнинг 28 %и севги асосида деб жавоб қайтарган бўлса, 23 % респондент фақат ота-она танловига мувофиқ, 7% респондент совчилар танлови асосида, 9% сўров иштирокчиси ҳисоб-китобга асосланган никоҳ асосида деб жавоб беришган, 17% респондент мазкур саволнинг «қалтис» лигини инобатга олиб жавоб қайтармаган. Шунингдек, 16% респондент бошқа турли жавоб вариантларини келтириб ўтишган<sup>15</sup>.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлар масаласига доир навбатдаги савол «Сизнингча, оилавий муносабатларда аёл етакчи бўлиши мумкинми?» кўринишида бўлиб, унга 26% респондент ҳозирги кунда эр-хотин тенглик асосида оилавий муносабатларда етакчи бўлишлари меъёрий ҳолат деб, 32% сўров иштирокчилари авваллари ҳеч қачон хотин-қизлар оилавий муносабатларда етакчи эмасдилар, ҳозирги кунда бу меъёрий ҳолатга айланмоқда деб, 17% респондент хотин-қизларнинг оилавий муносабатларда етакчиликни қўлга олишлари оила инқирозига олиб келади, деб жавоб қайтаришган. 18% респондент оилавий муносабатлар миллий қадрият ва анъаналарга асосланиши керак, деган жавоб вариантини танлашган бўлса, 17% респондент мазкур саволга жавоб беришга қийналишларини айтиб ўтишган (3-расм).

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, янгиланаётган Ўзбекистон жамиятида хотин-қизлар ижтимоий-ахлоқий, менталитетининг маънавий парадигмал ўзгаришини кузатиш мумкин. Иккинчидан, жамият тараққиётининг қонуниятлари ҳар қандай жамиятнинг турмуш тарзи, социал ўзгаришлари (объектив ва субъектив, гуманистик) тенденцияларини ўз ичига

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан социологик сўровнома натижалари асосида ишлаб чиқилган.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитасининг 2018 йил тадқиқотлари.

олади. Учинчидан, феминология фани доирасида жамоатчилик фикрига таъсир қилувчи детермент омилларни шакллантириш ва илмий ўрганиш давр талабидир.



### 3-расм. Оилавий муносабатларда аёлнинг етакчилиги бўйича ўтказилган сўровнома натижалари<sup>16</sup>

Президент Ш.Мирзиёев томонидан хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини фаоллаштиришга йўналтирилган бўлиб, аёлларнинг жамиятдаги социал мобиллигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Натижада, хотин-қизларнинг сиёсий жараёнларда, яъни сайлов жараёнларидаги имижига янада мустаҳкамланмоқда. Буни 2019 йил декабрь ойида мамлакат парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар натижаларидан кўрсак бўлади. Сайлов натижасига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди<sup>17</sup>.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик. Бу кўрсаткич Сенатда ва маҳаллий кенгашларда 25 фоиздан ошди<sup>18</sup>.

Миллий менталитетимизда «фаросат», «насл», «насаб», «аслзода», «оқил», «олим», «орият», «мавқе», «мартаба», «салобат», «обрў» «нуфуз», «ҳаё» тушунчалари борки, инсон имижига шу сифатлар билан ҳам ўлчанади. Сиёсатчи аёл имижига қуйидаги жиҳатлар жуда муҳим:

1. Шахснинг индивидуал-шахсий жиҳатлари (ўзига хослик): ўзига ва ўз ишига ишонч кучи;

2. Социал жиҳатлари: «жамият фаоли, кайвонийлик, иш бошчилик, ташкилотчилик» позицияси, инсон ҳақида ғамхўрлик, уларнинг муаммосини тушуниш, улар ҳаётини яхшилашга бўлган интилиш;

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг 2018 йил тадқиқотлари асосида.

<sup>17</sup> Ш.Мирзиёев 2020 йил 7 март Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан «Аёл бахтли бўлса-оила, жамият бахтли бўлади» мавзусидаги нутқи. «Халқ сўзи». 2020 йил, 8 март.

<sup>18</sup> Ўша манба.

3. Шахсий-энергетик жиҳатлари: қизиқувчанлик, оптимизм, дадиллик, кўтаринки кайфият ҳосил қила олиш;

4. Социал-энергетик жиҳатлари: инсонларга таъсир қила олиш қобилияти, тез қарор қабул қилиш, серғайратлилик;

5. Социал-ахлоқий жиҳатлари: юқори ахлоқий фазилатлари, «жамиyat идеали»га мос бўлиши.

Шунингдек, сайлов жараёнида хотин-қизлар имижиди 7 та хислат намоён бўлиши керак. Булар босиқлик ва вазминлик, сиёсий интеллект, етакчилик қобилияти, бошқариш тажрибаси, кучли ирода, меҳнатсеварлик ва фидойилик, маънавий қиёфа. Бу борада социология фанлари доктори, профессор М.Б.Бекмурадов томонидан яратилган «Фаросат илми» ўқув курси<sup>19</sup> ҳам депутатликка номзод хотин-қизларнинг имижини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий жамиятда сиёсатчи аёлнинг имижиди пухта ишлаб чиқилган ташқи кўриниш (кийим, ташқи қиёфа, юриш, зарарли одатлар, соғлиқ ҳолати, мижози), психологик (фёъл-атвор, нутқ таснифлари, ахлоқий-этик хусусиятлар, эркакларга муносабат), касбий (тажриба, сиёсий қарашлар, омилкорлик, етакчилик қобилияти) жиҳатларни ўз ичига олиши керак. Сиёсатчи аёл имижини яратишда нафақат гендер мансубликка, балки сиёсий майл, дастурий баёнотлар, партиявий қарашларга эътибор қаратиш муҳим. Бу ҳолда ҳокимият органларига номзодини қўйган ва маълум ижтимоий гуруҳларнинг қўллаб-қувватлашига ишонган аёл имижини шакллантиришда баъзи тасниф ва хусусиятларга урғу берилади.

Диссертациянинг «**Хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги маънавий бегоналашув трансформацияси**» деб номланган учинчи бобида хотин-қизлар социомаданий қиёфасидаги бегоналашувни вужудга келтирувчи омиллар, уларда «маргиналлик» феномени юзага келиши ва унинг социал оқибатлари, маънавий бегоналашувнинг замонавий қадрият ва анъаналарда намоён бўлишига оид социологик ёндашув масалалари тадқиқ этилган.

Жамиятнинг тараққиёт қонуниятлари диалектик алоқадорлик муносабатларининг шаклланишида ўзига хос индивидуал характер намоён бўлиши, ижтимоий онг шакллари таъсири трансформацион ўзгаришга олиб келди. Шу боисдан, миграцион жараёнларда эркаклар фаол иштирок этган бўлсалар, ҳозирги вақтда хотин-қизларнинг фаоллиги кескин ошиб бормоқда. Бу эса, янгиланаётган мамлакатимизнинг миграция сиёсатини ишлаб чиқиш, мигрант аёллар диаспорасини шакллантиришда социологик жиҳатдан тизимли таҳлил қилиш ва рационал қарорлар қабул қилиш давр талабига айланди.

Халқаро миграцион жараёнларда Ўзбекистон хотин-қизлари иштирокининг охириги 3 йиллик статистик маълумотлари таҳлил қилинганда, республикамиз вилоятларининг ўзига хос этнопсихологик, демографик, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ҳамда миграцияда иштирок этаётган хотин-қизларнинг миқдор кўрсаткичлари қиёсий таҳлили бу борада муайян

<sup>19</sup> Бекмурадов М. Фаросат илми.-Т.: Академия, 2019.

тафовутлар мавжудлигини кўрсатди. Бу республикаимиз ҳудудлари бўйича мигрант аёлларнинг фаоллигини баҳоловчи Аёлларнинг миграцион социал мобиллик харитаси орқали таҳлил қилинди (4-расм).



#### 4- расм. Аёлларнинг миграцион социал мобиллик харитаси.

Мамлакатимиз аҳолисининг миграцион жараёнларда хотин-қизларнинг фаоллиги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида бошқа ҳудудларга қараганда хотин-қизлар нисбатан «Динамик» (ўсувчан) иштирокини кўришимиз мумкин. «Статик» (турғун) ҳолатни Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари, Андижон, Наманган, Тошкент шаҳри ва Хоразм, Фарғона, Қашқадарё, Сирдарё, вилоятлари миграция жараёнларида «Регрессив султ» кўрсаткичини Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016-2017-2018-йиллардаги Доимий аҳоли сонига нисбатан аёллар ҳисобида вилоятлар кесимида статистик маълумотлари ҳам тадқиқотимиз натижаларини тасдиқлайди. Миграция жараёнлари кўрсаткичлари бўйича энг кўп аёл мигрантлар Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, жамиятнинг турли қатламларида ўзбек хотин-қизларининг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлар трансформациясининг миллий-ментал ҳудудий хусусиятлари, ворисийликни таъминлашда идентификация қилиш ўзига хос социомаданий қиёфасини намоён қилади.

Сўнгги уч йил ичида республика аҳолисининг ташқи миграцион жараёнларда ҳудудлар ҳамда ёш кесимидаги социал мобиллиги таҳлилига кўра, 20 ёшдан 40 ёшга бўлганлар орасида жами бошқа ёш категориясидаги аёл мигрантларнинг 50%дан кўпроғига тўғри келаётганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Шунингдек, аёллар социал мобиллигидаги кўрсаткичлар 20-40 ёшдагилар орасида нисбатан ошишини кузатиш мумкин. Бу ҳолат аёллар миграция жараёнларининг трансформацияси ва хусусиятлари давлатларнинг қонунчилик таркибига ўзгартиришлар киритиш заруриятини вужудга келтирмоқда. Жамият қонуниятининг ривожланиш босқичларида «Мобил аёл психологияси», деган илмий атама вужудга келди.

«Маргиналлик» феномени ҳозирги замон Ўзбекистон ижтимоий жараёнларини ўрганишнинг муҳим воситаси сифатида хизмат қилади. Бугунги глобаллашув шароитида шахснинг онги ва маънавиятига турли ташқи омиллар сабаб, унинг маданияти, урф-одат ва қадриятларидан бегоналашуви

кузатилади.

Респондентларга «маргиналик» тушунчаси юзасидан берилган саволга уларнинг 19,9% жамиятда ўзини маданиятли деб ҳисоблайдиган киши, 18% ҳеч қаерда ўз ўрнини топа олмайдиган киши, 13,8% жамиятдан маънавий бегоналашган киши, 9,9% маҳаллий жамиятда қабул қилинмайдиган киши, 9% рус тилини мукамал биладиган киши, 8,3% ўз миллий тилини билмайдиган киши, 8,3% ўз оиласига эътиборсиз киши, 3,5% кам даромад оладиган киши, 3,2% шаҳарда яшайдиган киши деган таърифларни келтиришган<sup>20</sup>.

Тадқиқот натижалари охириги 10 йиллик эмпирик асосдаги кузатувлар ёши катта ва ёши кичик авлодлар орасида жамият томонидан қабул қилинмайдиган, анъанавий турмуш тарзидан маънавий бегоналашган, ўз она тилини мукамал билмайдиган, ўз миллий адабиёт ва санъатини ёқтирмайдиган шахслар вужудга келгани, бир сўз билан айтганда, «маргинал»ликнинг пайдо бўлганидан гувоҳлик бермоқда.

«Маргиналик» термини жамиятнинг сифатий ҳолатини, икки хил дунёқарашга эга бўлган, ўзаро фарқланувчи маънавий, ахлоқий, сиёсий, ижтимоий, психологик ҳолатларини англатади. Тадқиқотда маргиналикни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганишга ҳаракат қилинди. Маргиналик категорияси социал муносабатларга кириша олмайдиган, жамиятда ўзининг ўрнини топа олмайдиган, жамиятдан ижтимоий, сиёсий, маданий бегоналашган, ўз миллий санъати ва адабиётини ёқтирмайдиган, жамиятда ўзини маданиятли деб ҳисоблайдиган хотин-қизларнинг турмуш тарзидаги ўзгаришлар трансформацияси социомаданий хусусиятлари негизида асосланди<sup>21</sup>. Ўтказилган тадқиқот натижалари асосида маргиналикнинг асосий мезонлари ишлаб чиқилди (5-расм).



<sup>20</sup> Мазкур тадқиқот натижалари тасодифий-эҳтимолий танлаш усулини қўллаш орқали олинди, танлашда ҳудуд, жинс ва ёш кўрсаткичлари мезон сифатида белгиланди. «Жамиятда дунёқараш ва маънавий ўзгаришлар ҳолати» ни ўрганиш мақсадида Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Нукус шаҳарларида 350 нафар экспертлар орасида ўтказилган тадқиқот натижалари маълумотлари асосида тайёрланди.

<sup>21</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

## 5-расм. Маргиналликни аниқлашнинг асосий мезонлари<sup>22</sup>

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган мезонлар ижтимоий-сиёсий, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган бўлсада, ҳар бир давр ўзининг янгиланиш жараёнида аҳоли таркибида муайян кўламдаги «маргинал инсон» типларини яратади. Турмуш тарзи стереотипларида ижтимоий ва иқтисодий фаолликдан четда қолган, ўз ижтимоий ўрни ва социал қиёфасидаги ўзгаришларни йўқотган шахс маргинал ҳисобланади. Биз «маргиналлик» феноменини аниқлашда аёлларнинг социал антропологияси тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг «**Замонавий хотин-қизлар социомаданий қиёфаси: бугунги ҳолат ва ўзгариши тенденцияси**» деб номланган тўртинчи бобида хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришларнинг жамиятда илм-маърифат ривожланишидаги ўзгаришларга таъсири, замонавий хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасининг реал ҳолати, ўзгаришлар динамикаси таҳлили, хотин-қизлар социомаданий қиёфасини шакллантиришнинг илмий-амалий ва методологик асослари тадқиқ этилган.

Бугун юртимизда илмий таълим муассасаларида 660 нафар аёл фан доктори ва 7 нафар академик аёл меҳнат қилмоқда<sup>23</sup>. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий тадқиқот институтларида 3 минг нафарга яқин хотин-қизлар самарали тадқиқот олиб бормоқда. Ўзбек олима аёллари кимё, биотехнология, қишлоқ хўжалиги ва бошқа жабҳаларда ўз интеллектуал салоҳиятини намоён этиб, ноёб тадқиқотлари, инновацион ишланмалари билан юртимиз ривожига ҳисса қўшишмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хотин-қизлар орасида китобхонлик маданияти юқорилиги ва мутолаага бўлган қизиқиш, адабиётларнинг қарийб барча жанрлари ўқилиши респондентларнинг жавобларида ўз аксини топди.

Дунё ҳамжамиятида ишлаётган аёллар учун шароитлар индексида шишали шифт гендер тенгсизликни қўллаб-қувватлайди. Ушбу метафора феминистлар томонидан юқори даражадаги аёллар карьерасидаги тўсиқларга нисбатан ихтиро қилинган. Хотин-қизларнинг оилавий мажбуриятлари, уй бекалиги, тадбиркорлиги, раҳбар аёл бошқаруви, маиший хизматлари, китобхонлик маданияти ҳамда ворисийлик масалаларида, карьеравий ўсишида социомаданий ментал хусусият тўғрисидаги социологик қарашлар ойнаванд шифтни вужудга келтирди<sup>24</sup> (6-расм).

Жаҳон тажрибасида гендер тенглик масаласи бутун дунёда олиб борилаётган ислохотлар замирида намоён бўлмоқда. Хотин-қизларнинг жамият бошқаруви иштирокида ўзгаришлар тенденциясини кузатишимиз мумкин.


Таъкидлаш жоизки, Бутунжаҳон иқтисодиёт форуми экспертлари охириги беш йилда юқорида таъкидланган рейтингни тузиб келадилар. Бунда улар

<sup>22</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>23</sup> <http://uza.uz/oz/society/innovatsion-rivozhlanish-vaziri-olima-ayellarni-tabrikladi-11-02-2020>

<sup>24</sup> Ева Сундквист. Выступление Генерального консула Швеции. Международная научно-практическая конференция СЗИУ РАНХиГС «Женщины на государственной службе». Женщины во внешнеполитическом ведомстве Швеции. Феминистская внешняя политика. 21.03.2019.

куйидаги мезонларни ҳисобга оладилар<sup>25</sup>: 1) меҳнатга ҳақ тўлашдаги фарқ; 2) эркеклар ва хотин-қизлар даромадларининг нисбати; 3) бошқарув тузилмасига кирувчи ҳамда юқори малакали меҳнат билан машғул бўлган хотин-қизлар сони; 4) хотин-қизларнинг маълумотлилик даражаси; 5) эркеклар ва хотин-қизлар ўртасидаги туғилиш, оиладаги ҳаёт шароити ва узоқ ҳаёт кечириш бўйича фарқлар; 6) парламент аъзолари бўлган хотин-қизлар ва аёл вазирлар сони ва бошқалар.



#### **6-расм. Аёллар ишлаши учун шарт-шароит (ойнаванд шифт)<sup>26</sup>**

Юқоридаги кўрсаткичлар бўйича биринчи ўринни Исландия эгаллаган. Бу мамлакатда жинслар ўртасидаги фарқнинг қисқариш кўрсаткичи 85% ни ташкил этапти. Кейинги ўринларни Норвегия (84%), Финляндия (82,6%), Швеция (80,2%), Янги Зеландия (78,1%), Ирландия (77,7%), Дания (77,2%) мамлакатлари эгаллади<sup>27</sup>. Ўтказилган қатор тадқиқотлар ва назарий хулосалар шундан далолат берадики, ривожланиш соҳасидаги стратегия, агар унда хотин-қизларга етарли эътибор ажратилмаса, самарали бўлиши мумкин эмас. Хотин-қизлар ижтимоий фаоллиги тараққий этар экан, бутун жамият ютуққа эришади ва кейинги авлодлар ривожланишининг бошланғич имконияти яхшиланади.

Ўзбек халқида хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги масъулияти юксак бўлиб, биринчи навбатда, у она ва аёл, оила барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу жиҳатдан хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасига таъсир этувчи омиллар асосида ўтказилган умумий тадқиқот натижалари доирасида социал индикаторлари аниқланди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аёллар, асосан, педагогика ҳамда тиббиёт соҳаси билан чекланади. Қизларнинг кўпчилиги оила қуриш ва билим (касб) олишдан қай бирини танлар эдингиз, деган саволга оила қуриш биринчи ўринда эканини айтди. Кўп қизлар турмушга чиққандан кейин билим олишни тўхтатишга тўғри келади, деган фикрга қўшиладилар. Иккинчи томондан, маълумотли ва муайян малакага эга бўлган ёш аёллар фарзанд кўриш билан

<sup>25</sup> В борьбе за равноправие женщины побеждают. Правда, не везде // Мир новостей. 2010. №42.

<sup>26</sup> Гендер тенглиги бўйича Европа институти, Евростат ва ХМТнинг 2017 йил маълумотлари.

<sup>27</sup> Ўша манба.

боғлиқ юмушлари кўпайиши сабабли тажриба ва малакани йўқотишлари туфайли бозор шароитларида заиф бўлиб қолмоқдалар. Бозор муносабатларининг охириги 20 йиллик тенденциясини таҳлил қилганимизда хотин-қизлар социал қиёфасидаги ўзгаришлар замон талабларига мослашиб, бугунги қизларнинг олий таълим муассаларида таҳсил олиб, сўнгра турмушга чиқиши афзаллиги ўз аксини топди.



**7-расм. Хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлар трансформациясининг социал индикаторлари<sup>28</sup>**

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш жоизки, биринчидан, хотин-қизларнинг дунёқараши, сабр ва шукронаси нафақат оиладаги фарзанд тарбиясига, балки оила мустаҳкамлигига, шу орқали жамият ривожига улкан ҳисса қўшувчи омил ҳисобланади. Иккинчидан, ҳозирда амалга оширилаётган ислохотлар хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга тўлиқ жалб этиш, оила аъзоларининг турмуш даражасини яхшилашга ёрдам бергани аниқланди. Учунчидан, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда Ўзбекистон учун афзал жиҳатларини татбиқ қилиш тизимини (методика ва индикаторлар) ишлаб чиқиш орқали янги босқичга кўтариш зарур. Тўртинчидан, хотин-қизлар социал қиёфасидаги ўзгаришлар тенденцияларини кенг жамоатчиликка етказишда ОАВлар билан ҳамкорлик қилиш, жамият ижтимоий фаолияти самарадорлигини ошириш талаб этилмоқда.

<sup>28</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

## ХУЛОСА

Диссертация мавзуси доирасида олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосалар олинди ҳамда Ўзбекистон хотин-қизларининг социомаданий қиёфасини замонавий ўзгаришлар билан муносабат ривожланишини таъминлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Анъанавий жамиятлар пайдо бўлиши билан патриархал муносабатлар негизида шаклланган ижтимоий меъёрлар, тартиблар давлатлар расмий қонунчилик ҳужжатларида ўз аксини топиб, хотин-қизларнинг улардан четга чиқиши қораланган бўлса-да, аёллар нафақат оила, балки давлат даражасида фаол бўлганлар.

2. Жамиятнинг модернизациялашув жараёни оилавий турмуш тарзининг ижтимоий-психологик асослари қайта қурилишига олиб келди. Анъанавий оилавий қадриятлар тизими трансформацияси оқибатида аёлларнинг ҳаётий қадриятлари ўзгарди. Замонавий жамиятларда ахлоқ тизимининг қайта кўриб чиқилиши натижасида аксарият Ғарб давлатларида оила-никоҳ муносабатлари таназзулга учрамоқда.

3. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда хотин-қизлар социомаданий қиёфасидаги ўзгаришларни экспериментал ўрганиш асосида назарий, амалий ва методологик аҳамиятга эга бўлган социологик сўровноманинг модификациялаштирилган шакли ишлаб чиқилди. Таклиф этилаётган модификацияланган сўровнома шакли воситасида хотин-қизлар социомаданий қиёфасидаги ўзгаришларни аниқ баҳолаш имконини берди.

4. Бугунги кунда хотин-қизларнинг миграция жараёнларининг тўлақонли иштирокчисига айланганини қайд этиб ўтиш лозим. Хотин-қизлар миграцияси алоҳида гуруҳга ажратиб кўрсатилди, жамиятда хотин-қизлар ҳаёти, унинг ҳуқуқ ва вазифалари, шунингдек, мамлакатдаги имкониятлари батафсил таҳлил қилинди. Ўзбекистон ҳудудлари, хусусан Сирдарё вилоятининг 4 та туман ва 2 та шаҳари бўйича мигрант аёлларнинг трансформацияси жараёнида уларнинг социал мобиллиги ва миграция муҳити асосида миграцион социал мобиллик харитаси ишлаб чиқилди.

5. Маргиналлик феномени ҳозирги замон Ўзбекистон ижтимоий жараёнларини ўрганишда муҳим ижтимоий ҳолат ҳисобланади. Маргиналлик, маргиналлашув тушунчалари, дунё фуқаролиги, ассимиляциялашув, миллий ўзликдан бегоналашув ҳолатлари билан бевосита боғлиқдир. Маргиналлашув жараёни асосан бир томондан меҳнат миграцияси, тақдир тақозоси билан хорижий мамлакатларга чиқиб кетган, уларнинг диний, миллий-этник, маданий турмуш тарзини мажбур бўлгани учун тилини қабул қилган. Иккинчи томондан эса Ўзбекистонда муқим яшаб турган ҳолда ўз тили, санъати, адабиёти, маданияти, урф-одатларидан узоқлашган макон ва замон мантиғига мос келмайдиган бошқа қадрият ҳамда урф-одатларни, айниқса, ғарб мамлакатларида кенг тарқалган индивидуализм, эгоизм, оммавий маданият билан боғлиқ, маънавий жиҳатдан умуминсоний ва миллий қадриятларга зид муносабатларни ўзлаштириши билан боғлиқ тенденцияларни ўз ичига олади.

6. Хотин-қизлар орасида маргиналик социал муносабатлардан ижтимоий-маънавий бегоналашув стереотиплари (социал муносабатларга кириша олмаслик, жамиятда ўз ўрнини топа олмаслик, маънавий бегоналашган, ўз миллий санъати ва адабиётини ёқтирмайдиган, жамиятда ўзини маданиятли деб ҳисоблаши, маргиналик) аниқлаш орқали хотин-қизларнинг турмуш тарзидаги социомаданий қиёфасидаги мезонлари (ўз ўрнини топа олмаган, ўз оиласига эътиборсиз, кийиниш маданиятидан узоқлашган, шаҳарда яшайдиган, ўз миллий тилини билмайдиган, миллий урф-одат ва қадриятлардан узоқлашган кишилар) мезонлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган мезонлардан фойдаланган ҳолда ўрганилаётган субъект (хотин-қизлар)нинг ижтимоий-маънавий бегоналашув даражасини баҳолаш имконини берди.

7. Хотин-қизларга фаннинг исталган соҳаси билан шуғулланишга шароит яратиш, уларга дунёвий ва диний йўналишда таълим олиш имкониятини очиб бериш, айти вақтда, уларнинг таҳсили самарали бўлиши учун амалий воситалари ишлаб чиқилди.

8. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳолатига таъсир этувчи омилларни социогендер нуқтаи назардан ўрганиш бизга бугунги кунда хотин-қизларнинг бошқарув тизимидаги иштирокини янада жадаллаштиришдаги 2 та муҳим шартни кўрсатади: мустақам норматив-ҳуқуқий асос ва тарихий бой тажриба. Аммо жамоатчилик фикридаги гендер ва ментал стереотиплар, хурофот ва ақидаларга берилиш хотин-қизларнинг бошқарувдаги фаоллигини сусайтирувчи омиллар бўлиб қолмоқда.

9. Хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлар трансформациясини миқдорий ва сифатий тадқиқот методлари орқали тизимли ўрганиш асосида ҳуқуқий маданият, қадриятларга мослашиш, аёл ресурси, вақтини тежаш, ўзгаришларга мослашиш, маиший хизмат, ҳудудий-ментал хусусиятлар, кийиниш маданияти, миграция, мобиллик, маънавий бегоналашув каби асосий социал индикатор кўрсаткичлар ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган кўрсаткичлардан фойдаланиш асосида хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлар трансформациясини тизимли баҳолаш имконияти кенгайди.

10. Жамиятнинг институционал тузилмаси, яъни давлат бошқарув тизимларида хотин-қизлар мавқеини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, уларни қўллаб-қувватлаш асосида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустақамлаш ва сиёсий (сайлов) жараёнларда «гендер тенглиги» таъминланиши асосланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 29.12.2018. S.23.02  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ  
ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**АКАДЕМИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ ПРИ  
ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ГАФФАРОВА МАВЛЮДА КУРБАНБАЕВНА**

**ТЕНДЕНЦИЯ ИЗМЕНЕНИЙ В СОЦИОКУЛЬТУРНОМ ОБРАЗЕ  
ЖЕНЩИН УЗБЕКИСТАНА**

**22.00.02 – Социальная структура, социальные институты и образ жизни  
(социологические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК (DSc)**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.3.DSc/S16.**

Диссертация выполнена в Академии Государственного управления при Президенте Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) на веб-странице Ученого совета (<https://dba.uz/uz/avtoreferatlar>) и информационно-образовательном портале Ziyonet ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный консультант:</b>	<b>Содикова Шохида Мархабаевна</b> доктор социологических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Каххаров Абдулахат Ганиевич</b> доктор социологических наук, профессор <b>Хусейнова Абера Амановна</b> доктор философии, профессор <b>Абдуазимов Окил Уткурович</b> доктор социологических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский государственный экономический университет</b>

Защита диссертации состоится \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc 29.12.2018.S.23.02 при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан. (Адрес: 100066, город Ташкент, улица Ислама Каримова, 45. Тел: 0(371) 232-60-47; факс 0(371)239-17-83, e-mail: info@dba.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрирована за № \_\_) (Адрес: 100003, город Ташкент, улица Ислама Каримова, 45. Тел: 0(371) 232-60-47; факс 0(371)239-17-83, e-mail: info@dba.uz.

Автореферат диссертации разослан \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2021года).

**М.Б.Бекмуродов**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор социологических наук, профессор

**Ш.М.Содикова**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор социологических наук, профессор

**Ф.Я.Парманов**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор социологических наук

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Постоянный рост доли женщин в составе мирового населения, достойное место в жизни общества и потребность в повышении их социального авторитета на повестку дня ставят новые задачи. По сведениям, «51% мирового населения составляют женщины. Из них только 5% осуществляют деятельность в должностях государственного и общественного управления<sup>1</sup>». Поэтому требованиям времени становится анализ динамики изменений в социокультурном образе женщин.

В исследованиях, осуществляемых в мире по изучению изменений в социокультурном образе женщин, в частности, важное значение имеют научные работы по вопросам социокультурного контекста развития гендерной идентичности, доля социокультурных факторов в отказе от методов искусственного деторождения, гендерного равенства, изменчивых ролей женщин, осознания самого себя и социокультурных факторов, социальной активности, социальной мобильности, изменений в мировоззрении, расширения их прав и возможностей.

В нашей стране уделяется внимание вопросам образа жизни, активности, занятости, социальной защиты, поддержки женщин. «...наш долг - сделать все возможное, чтобы создать достойные условия для более чем 17 миллионов живущих в стране женщин – наших дочерей, матерей, бабушек...»<sup>2</sup>. Поэтому важное научно-практическое значение имеют социодинамические показатели гендерного равенства, социальной мобильности, изменений в духовной и культурной уровнях и мировоззрении женщин, социологический анализ изменений, связанных с их деятельностью, жизненными потребностями, интересами, взглядами, целями, ценностями, а также поведением, и дальнейшее совершенствование комплексной социально-социологической системы, способствующей созданию необходимых возможностей в этой области с учетом изменений в социокультурном облике женщин.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит осуществлению задач в Законах Республики Узбекистан от 2 сентября 2019 г. № ЗРУ-561 «О защите женщин от притеснения и насилия», № ЗРУ-562 «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин, от 2 сентября 2019 г. Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 2 февраля 2018 г. УП-5325 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи», от 18 февраля 2020 г. УП-5938 «О мерах по оздоровлению социально-духовной атмосферы в обществе, дальнейшей поддержке

---

<sup>1</sup>«Женщины в бизнесе и управлении» доклад Международной организации труда. 2015. <http://www.mk.ru/social/2015/01/13/doklad-mezhhdunarodnoy-organizacii-truda-dolya-zhenshinrukovoditeley-v-mire-vsego-5.html>

<sup>2</sup> Послание Президента Ш.Мирзиёева Олий Мажлису 29 декабря 2020 года. Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 30 декабрь, №276 (7778). <https://lex.uz/ru/>

института махалли, а также поднятию на новый уровень системы работы с семьями и женщинами», от 30 июня 2020 г. №УП-6017 «О мерах по коренному реформированию и поднятию на новый уровень государственной молодежной политики в Республике Узбекистан», а также в других нормативно-правовых актах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями науки и технологий в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с пунктом I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» приоритетных направлений развития науки и технологий республики на 2012-2020 г.г.

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации:** научные исследования, направленные на трансформацию изменений в социокультурном образе женщин, осуществляются в ведущих научных центрах и университетах мира в таких как: University of San Francisco (США), Hamburg University in Germany (Германия), Guangxi Zhuang Autonomous region Women's cadre school (Китай), The International Science, Technology and Innovation Centre (Малайзия), University of Sorbonne (Франция), University of Granada (Испания), Integrations-och jämställdhets departementet (Швеция), Московский гуманитарный научно-исследовательский институт (Россия).

В результате исследований в мире по тенденциям изменений в социокультурном образе женщин получены следующие научные результаты: подготовка руководящих кадров в управлении из женщин лидеров при комитете женщин-лидеров (Guangxi Zhuang Autonomous region); разработаны методы совершенствования деятельности в различных сферах женщин-предпринимателей (Malaysia, Kuala Lumpur); определены социальные стороны истории немецких женщин и гендерных ролей (Германия); разработаны механизмы социализации в обществе женщин (Seoul of National University, Южная Корея); занимаются вопросами демократии, гендерного равенства, прав человека, интеграций, негосударственных организаций и молодежной политикой (Ministry of integration and gender equality of Sweden, Швеция); возможности расширения потребностей женщин, исходя из пересмотра их роли в семье, обществе (Women, s Learning Partnership for Rights, Development and Peace (WLP – сотрудничество женщин); методы расширения участия женщин во всех этапах принятия решений (Association Democratique des Femmes du Maroc); вопросы направленные на расширение понимания прав женщин с точки зрения влияния на социальную и государственную политику (BAOBAB for Women's Human Rights, Nigeria); исследуют вопросы развития навыков лидерства у молодых женщин, расширения политического участия, поддержки и усиления организаций по защите существующих прав (Women`s Affairs Technical Comittee, Palestine).

А также в мире проводятся ряд исследований по изменению социокультурного образа женщин, в частности, приоритетными являются исследования социокультурной адаптации в обществе, расширения масштаба

социальной и духовной поддержки прав женщин, укреплению роли женщин в семье и обществе.

**Степень изученности проблемы.** В произведениях наших великих предков Абу Насра Фароби, Амира Темура, Алишера Наваи, Захириддина Мухаммада Бабура, Абдуллы Авлони, Абдурауфа Фитрата особое внимание уделялось вопросу положения женщин в обществе. В частности, в произведениях Алишера Наваи, посвященных прославлению женщин, усилению духовных изменений в их внешности, особо подчеркивается, что “в мире много женщин, прославившихся пронизательностью и умом, смелостью и мудростью, красотой, деликатностью и терпеливостью, любовью и преданностью”<sup>3</sup>.

В исследовании были проанализированы и использованы труды таких учёных, как Кристина Пизанская, Франсуа Мари Арю Вольтер, Дени Дидро, Шарль Фюр, Анри Сен-Симон, Дж. Силластен, Э. Хитт, Т. Липсет, Н.С. В исследованиях Николенко, К. Амундсена, П. Я. Букенена, Х. Гильмана, Г. Осадчей, С. Коротковой<sup>4</sup>, рассмотрены некоторые аспекты женской активности, социальной мобильности, роли женщин в системе управления, проведен сравнительный анализ своеобразия женских и мужских профессиональных коллективов, роли экономических факторов в занятости женщин, исследований гендерных проблем социально-политической активности женщин. Рассмотрены труды таких учёных стран СНГ, как О.Воронина, С. Айвазова, В. Ушакова, Е. Здравомыслова, А. Темкина, Е. Кочкина, Л. Попкова, О. Овчарова, Н. Степанова, И.Юкина в которых рассматривались вопросы влияния на социальную жизнь общества изменений социального имиджа женщины.

Ученые нашей страны М.Бекмурадов, А.Каххаров, А.Холбеков, М.Ганиева, А.Умаров, Т.Матибаев, Ш.Содиқова, О.Абдуазимов, А.Сеитов, Т.Нарбаева, Б.Фарфиев, Ф.Парманов, А.Саидов, Л.Саидова, С.Рашидова, Д.Алимова, Н.Джураев, Абдурасулова Қ, Ф.Мухитдинова, С.Иномова, О.Мусурмонова, М.Холматова, И.Саифназаров, А.Хусейнова, М.Нурматова, О.Нишонова, Ф.Саифназарова, М.Тухтахўжаева, В.Алимасов, С.Ахророва, С.Сафаева, Э.Султонова<sup>5</sup>, в своих научных трудах аргументировали

<sup>3</sup>Хайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Ташкент: Ўқитувчи, 1993. – 152 б.

<sup>4</sup> Амундсен К. Женщины и американская демократия: большинство, которое заставляет молчать. – М.: Прогресс, 1996; Бьюкенен П.Дж. Смерть Запада. –М.: АСТ, 2007; Осадчая Г.И. Политическое поведение женщин. Исследование, М.: Прогресс, 1991;Короткова С.А. Движение женщин в США за право на образование и профессиональную деятельность во второй половине XIX вв., М.: 1998.

